Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 26-YANVAR, SESHANBA, 11 (7628) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



Энергетика иқтисодиётнинг қон томири. Бу қиёс бежиз эмас, албатта. Зеро, бугунги давр талаби, юксак технологиялар асрида ҳаётимизни энергиясиз тасаввур эта олмаймиз. Ишлаб чиқариш, умуман, барча соҳаларда энергетика тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлиб хизмат қилаётир.

Айни пайтда қишлоқларда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилишлар учун зарур бўладиган қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида сармоялар йўналтирилмоқда.

Қарши шаҳридаги вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли "Юлдузча" болалар боғчаси жамоасида Баркамол авлод йилида замон талабига жавоб берадиган янги усул қўлланилмоқда. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, тарбиячи ҳамда бола ўртасидаги ўзаро узвийликни мустаҳкамлаш орқали мурғак қалблар онгига Ватан ва миллат туйғуси тобора чуқур сингдирилмоқда.

сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда

Фарғона Вилояти

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ОИЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 7 та оилавий поликлиника ўтган йили таъмирдан чиқарилиб, аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда яна бир оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Суратларда: *3-оилавий поликлиника ҳамшираси Маликахон Баратова иш пайтида;*

Марғилон шаҳридаги 3-оилавий поликлиника янги қурилган биносининг кўриниши.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

“ТУРКМАНИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРГА УЙҒУН ҲАМКОРЛИК”

Ашхабод шаҳрида Савдо, иқтисодиёт, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркманистон-Ўзбекистон қўшма комиссиясининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Туркманистонда рус тилида нашр этиладиган "Нейтральный Туркменистан" газетасида йиғилиш якунларига бағишланган "Туркманистон-Ўзбекистон: миллий манфаатларга уйғун ҳамкорлик" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мақолада хусусан ҳар бир янги учрашув иккала мамлакат президентларининг хайрли истакларига, кўп йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ижобий тажрибасига ва унинг бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилган салоҳиятига, икки қўшни мамлакат ва уларнинг азалдан бародар халқлари манфаатларига асосланган юксак даражада унумли, жадал ва илғор ривожланувчи ҳамкорлик сари навбатдаги қадам қўйилганидан дарак бериши таъкидланади.

Газета комиссия аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш сари янги имкониятлар ва уфқларни очувчи XXI асрнинг лойиҳаси деб аталаётган дунёдаги йирик Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувурининг очилишига тўғри келган 2009 йил декабрь ойидаги Туркманистонга расмий ташрифи давлатлараро алоқаларни ривожлантиришга катта туртки бўлгани ҳақидаги мулоҳазаларини келтиради. Юқорида айтиб ўтилган Ашхабод учрашувлари натижаларига кўра имзоланган муҳим ҳужжатлар орасида икки томонлама комиссиянинг ҳуқуқий асоси ва унинг фаолиятини тартибга соладиган Савдо, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркманистон-Ўзбекистон қўшма комиссияси бўйича ҳукуматлараро битим алоҳида қайд этилади, деб ёзади Туркманистон нашри.

Мақолада асосан ишбилармонлик ва конструктив руҳда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама келишувларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, шунингдек, илгари эришилган битимлар амалга оширилишининг бориши ҳақида батафсил маълумотлар алмашилгани айтилади. Шу ўринда йиғилганлар қўшма комиссиянинг илгариги — учинчи ва тўртинчи йиғилишлари қарорларининг бажарилиши, хусусан, Ашхабод ва Тошкентда ҳар иккала мамлакатнинг миллий кўргазмалари бўлиб ўтганини мамнуният билан қайд этишди.

Икки мамлакат ўртасидаги товар айланмасининг доимий ошиб бориши бу борадаги кўрсаткичнинг ижобийлигидан далолат берадиган савдо-иқтисодий алоқалар ўсишининг юқори суръатини қониқиш билан қайд этар экан, қўшма комиссия аъзолари маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва уларнинг ўзаро етказиб бериш ҳажмини янада ошириш ҳамда янги қўшма корхоналар ташкил этишнинг муҳим эканини таъкидлашди. Бу борадаги муваффақиятли ҳамкорликка мисол сифатида Туркманистонда автомобилларга хизмат кўрсатишни амалга оширишга ихтисослашган "Туркман-Узавто" қўшма корхонаси санаб ўтилди.

"Жаҳон" АА

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ САМАРАСИ

Қиш об-ҳавоси аста-секин кўкламнинг серёғин дамларига уланиб кетиши аниқ. Бундай кезларда ёнғинчиликлар туфайли пайдо бўладиган сел тошқинларининг зарарларини бартараф этиш жуда муҳимдир. Ана шу мақсадда Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти бошқармаси томонидан Хатирчи туманида навбатдаги ўқув-тактик машғулотлари ўтказилди.

Тумандаги 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида ўтказилган ушбу ўқув машғулотлари вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан ташкил этилди ва унга жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Аввалдан тузилган режага мувофиқ бир неча маҳалла туташган қишлоқларни кесиб ўтувчи Оқолтин ва Олтинсой сел йўллари қирғоқлари ҳашар йўли билан тозаланди, қопларга тупроқ тўлдирилиб, сепоя билан мустаҳкамланди. Қабристонлар, маҳаллалар гузарларидаги дўконлар, ошхона ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари атрофлари ободонлаштирилди. Ўқув машғулотлари пайтида ташкил этилган оммавий ҳашарларда 6605 нафар киши, жумладан, 1412 нафар ўқитувчи, вилоятдаги Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан 6 нафар ҳарбий хизматчи, 15 нафар қутқарувчи иштирок этди. Машғулотларда 100 та техникадан фойдаланилди. Натижада, катта ҳудуддаги ариқ-зовурлар ҳамда сой ўзанларини тозалаш, 600 метр куб тупроқ ишлари ва 5000 дан ортиқ дарахтларни оқлаш юмушлари бажарилди.

Фазлиддин УЛАШЕВ, Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари бошланди.

Семинарнинг очилишида мазкур академия ректори Қ.Назаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишидек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тараққиётнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган ислоҳотлар тадрижийлиги, босқичма-босқичлиги, чуқур илмий асослангани, аҳолини аниқ соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топаётир. Айни пайтда барча жабҳалардаги туб ижобий ўзгаришлар халқимиз, айниқса, ёшларнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга муносабати, атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусининг тобора юксалиб бораётгани билан уйғун кечмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги мураккаб давр маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарларидан долзарб вазифаларни ҳал этиш, ўз билимини муттасил бойитиб, янгилаб, мустаҳкамлаб боришни, қатъиятлилик, ташаббускорлик, фидойилик ва маънавий уйғоқликни талаб этмоқда.

Ўн кун давом этадиган ушбу семинарда тингловчилар давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳияти, уларда белгилаб берилган асосий вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашадилар. Ушбу семинарда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак маънавиятни шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг асосий вазифалари, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳаларда-ги туб ижобий ўзгаришлар, ташқи сиёсат ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор вазифаларига оид маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Куннинг муҳим воқеалари

▸ **Бухоро шаҳрида "Баркамол авлодни тарбиялаш: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Бухоро вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасалари, хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этди.**

▸ **Наманган вилояти Уйчи туманининг Ёркатай қишлоғида "Мега Текстиль" хорижий корхонаси иш бошлади. Туркиянинг "Аҳмад Анраш" фирмаси томонидан бир ярим миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция киритилиб, замонавий технология билан жиҳозланган корхона йилига 1200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга.**

▸ **"Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичида Бағдод тумани Зафаробод қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 225-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

Қорақалпоғистон Республикаси

УЗУНКЎЛЛИКЛАР УЙ ТЎЙИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасининг беш туманида намунавий лойиҳалар асосида 100 та замонавий турар-жой бунёд этилмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Оролбўйида қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қурилиши жадал давом этаётир.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки, "Қишлоқ қурилиш инвест" инженеринг компанияси, "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳалаштирувчи ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари томонидан қишлоқларда бунёдкорлик ишлари самарали амалга оширилмоқда. Айни чоғда намунавий лойиҳалар асосида 65,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бешта туманда 100 та замонавий турар-жой бунёд этилмоқда.

Нукус туманидаги "Узункўл" аҳоли пунктида ҳам ана шундай 20 та уй-жой қурилмоқда. Айни пайтда ушбу иншоотларда қурилиш ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Нукусдаги "Қорақалпоқтаъмирқурилиш" жамиятига қарашли 3-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тез орада турар-жой эгаларига уйлар калитини топшириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

— Ҳар бир уйни мижознинг талаби асосида сифатли қуришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди қурилиш бошқармаси бошлиғи Кеўлимжай Қутлимуратов. — Бу ерда жорий йилнинг апрель ойига қадар жами 1 миллиард 50 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилган эди. Шу кунга қадар 820 миллион сўмлик иш бажаришга эришдик. Асосий қурилиш материали бўлган пишиқ ғишт тумандаги "Оқманғит-Дунтай" қўшма корхонаси ва Хўжайли ғишт заводидан келтирилди.

Овулда бунёд этилаётган уйлар бир ва икки қаватли бўлиб, маҳаллий иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда қурилмоқда. Қурилиши жадал суръатда олиб борилаётган объектда 250 нафар қурувчи самарали меҳнат қилаётир. Замонавий эшик ва дераза ромлари пешма-пеш ўрнатилмоқда.

2-саҳифа

ҲАЁТ МОҲИЯТИ КОМИЛЛИКДА

"Фарзандларимизни Ватанимизнинг ҳақиқий комил фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз" .

Юртбошимизнинг айнан шу доно фикрлари ва 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили", деб эълон қилиниши мени ҳам бир ўқитувчи сифатида тўлқинлантириб юборди. Дарҳақиқат, фарзанд биринчи галда оилада камол топади. Минг шукрки, кўпчиликка ибрат бўладиган оилалар юртимизда бисёр. Ана шундай кўрғони мустаҳкам оилалар туфайли юртимиз равнақ топмоқда. Аммо ҳаёт чорраҳаларида адашган, ота-оналарнинг, катталарнинг ёрдами, меҳр-муҳаббатига муҳтож, қалби синиқ, кўнгли ўксик фарзандлар тақдирини кўрганимда қаттиқ изтироб чекаман. Уларга "Ҳой, ота-оналар, фарзандлар қалбига қулоқ солинг, улар ҳам инсон, уларда ҳам юрак, эзгу тилаклар бор, соғинчу меҳр-муҳаббат бор", дегим келади.

Баъзида, эркаклар ҳам майли-я, аёлларимизнинг, аёллик, оналикни унутиб, молу давлат орқасидан қувиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиб, ўз фарзандлари, жигарбандларининг дил фарёдларини эшитмаётганлигидан ўртанасан киши.

Мен ҳам "Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газетасининг мухлисларидаман. Унда чоп этилаётган ижтимоий ҳаётнинг турли долзарб мавзулари, айниқса, одоб, ахлоқ тарбияси ҳақидаги мақолалар менда катта қизиқиш уйғотади.

Жорий йилнинг "Баркамол авлод йили", деб аталиши ҳам биз катталарга — ўқитувчию ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди. Фарзанд тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун ҳар биримиз нафақат масъулмиз, балки жавобгармиз ҳам.

Раъно ҲИММАТҚУЛОВА, Фарғона политехника институти ўқитувчиси.

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Тошкент Вилояти

Энергетика тизими такомиллашмоқда

Бу электр энергияси таъминотида узлуксизликни таъминлаш, иқтисодиётга муносиб улуш қўшишда муҳим омил бўлаётир

Энергетика иқтисодиётнинг қон томири. Бу қиёс бежиз эмас, албатта. Зеро, бугунги давр талаби, юксак технологиялар асрида ҳаётимизни энергиясиз тасаввур эта олмаймиз. Ишлаб чиқариш, умуман, барча соҳаларда энергетика тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида электр-энергетика тизимини яхшилаш, модернизация қилиш, энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилгани боис иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Бу борада ўтган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларни алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Истиқболли дастурнинг Тошкент вилоятида бажарилишини таҳлил этганимизда унинг нақадар узоқни кўзлаган хайрли тадбирларни жамлаганига амин бўлдик.

Дастурда энергия таъминотининг мавжуд объектларини реконструкция қилиш ва янги объектларни қуриш ҳисобига қишлоқларни зарур энергия ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган эди.

— Ушбу долзарб вазифалар янада масъулият билан ишлашга, изланиш, янгиликка интилиш, инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этишга чорлади, — дейди "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти директори Шуҳрат Зарипов. — Вилоятдаги электр энергия истеъмолчиларига 173 та нимстанция, 19516 километр 0,4-110 кВ ҳаво тармоқлари, 1113,7 километр 0,4-10 кВ кабель тармоқлари билан хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган йилда 229 километр узунликдаги 35 кВ ҳаво линиялари, 1750 километр узунликдаги 0,4-6-10 кВ ҳаво линиялари, 216 та трансформатор пункти, 63 та тармоқ трансформатори тўлиқ таъмирланди. Таянчлар, симлар, изоляторлар ҳамда автоматларда таъмирлаш ишлари бажарилиб, икки мингдан ошиқ сақлагичлар алмаштирилди, янгиланди. Трансформаторларга 29 тонна мой қуйилди.

Бугунги давр сифатли, тежамкор технологияларни талаб этаётир. Ишга туширилаётган корхоналар, янгидан-янги ишлаб чиқариш объектлари — истеъмолчиларнинг ўсиб бориши жамият олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ана шундан келиб чиққан ҳолда Ангрен шаҳридаги "Ўрмончи" нимстанциясида 3,2 МВА қувватли трансформатор 7,5 МВАга, Бўстонлиқ туманидаги "Газалкент" насос станциясидаги 4,0 МВА трансформатор 6,3 МВА трансформаторга алмаштирилди. Шунингдек, 38 та 6-10 кВт трансформатор пунктларининг қуввати оширилди. Янгидан 25 та трансформатор пунктлари, 17 километрлик ҳаво линиялари қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу билан аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ таъминлашга эришилди. Жамият томонидан қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. Узоқ қишлоқларда ҳам электр энергиясининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида электр ҳаво линиялари, мавжуд ускуналар созлаш, таъмирлаш, жиҳозлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.



"Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган ғояни ўзида мужассам этган йил дастури кўплаб жабҳаларда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли ишларга замин бўлди. Аҳолининг турмушини янада яхшилаш, инфратузилмани такомиллаштириш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш борасида катта амалий ишларга асос солинди. Шу мақсадда Президентимизнинг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштириш, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш, бунёд этиш тизимини такомиллаштириш борасида ишларга дастуриламал вазифасини ўтаётган қарорлари қабул қилинди.

Кенг кўлам касб этган, айни вақтда ҳам давом этаётган қишлоқ қурилишлари, биз фаолиятини таҳлил этаётганимиз жамият зиммасига катта вазифаларни қўйди. Ўтган йилда Тошкент вилоятининг учта туманида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар бунёд этишга киришилди. Жамият томонидан Бўка туманидаги Чиғатой ҚФЙда 250 кВА қувватли, Янгийўл туманидаги А.Ортиқов номли ҚФЙ Дўстлик маҳалласида 160 кВА қувватли, Чиноз туманидаги Яллама ҚФЙда 100 кВА қувватли трансформатор ўрнатиб, ишга туширилди.

Жамиятда кўз-қиш даврига тайёргарлик кўриш, ушбу мавсумни узилишларсиз ўтказишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмолчиларга электр энергисини етказиб беришда бесабаб узилишларга йўл қўйилмаётир. Замонавий технологиялардан фойдаланиш, аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши натижасида 3,8 миллион кВт/соат электр энергияси тежаб қолинди.

— Жорий йилда ҳам амалга оширадиган ишларимиз кўп, — дейди жамият бош муҳандиси Абдуғани Вакилов. — 230 километрдан зиёд электр ҳаво тармоқларини, 35 дан зиёд трансформаторларни, 20 та мойли ўчиргичларни, 10745 километр 0,4-6-10 кВ ҳаво линияларини таъмирлаш, 16 та юксизлантирувчи трансформаторлар қуриш режалаштирилган. Мақсадимиз аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш. Бу борада амалга оширадиган ҳар бир ишимизда дастуриламалларимиз бор.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга камарбаста бўлиш ҳисси "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти жамоасида ишга тадбиркорлик ва тежамкорлик билан ёндашишга омил бўлаётир.

Раимқул СУЯРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири

Мутахассис фикри

Ғалла ҳосилдорлигини оширишда ҳосилни бегона ўт, зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳосилдорликни суғориладиган майдонларда гектарига ўртача 35-45 центнер, лалми ерларда эса 12-16 центнерга етказиш имконияти бор. Бунинг учун агротехника талабларини сифатли ва ўз вақтида бажариш асосий омил эканлиги барчага маълум. Бироқ зараркунанда ҳашаротлар, касаллик ва бегона ўтларнинг кенг тарқалиши ғалла ривожига катта таъсир ўтказиб, ҳосилдорликни кескин пасайтириб юборади. Ҳисоб-китобларга қараганда, зараркунанда ҳашаротлар таъсирида 10-15 фоиз, касалликлар таъсирида 20-30 фоиз, бегона ўтлар таъсирида 15-25 фоиз ҳосил нобуд бўларкан.

ҲОСИЛГА ЗАРРАЧА ЗАРАР ЕТМАСИН

Кузда экилган ғалла баҳорга бориб яхши ривожланиб туплай бошлаши билан унинг ёнида униб чиққан бегона ўтлар ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Улар маданий экинларга нисбатан озиқ моддаларни, айниқса, азотни кўпроқ ўзлаштиради. Шунингдек, донга аралашиб, унинг сифатини пасайтириб юборади. Кўпчилик бегона ўтлар уруғи эса инсон саломатлигига хавф туғдиради. Масалан, какра уруғи бўлган дондан янчилган ун истеъмолга яроқсиздир. Туяқорин уруғи бўлган дондан олинган ун токсик гепатит, кампирчопон уруғи токсик энцефалит касалликларини келтириб чиқаради.

Ғаллачиликда бегона ўтлардан ташқари касалликлар ҳам зарар келтиради. Турли касалликларнинг олдини олиш учун, аввало, уларнинг тури, ривожланиши, пайдо бўлиши ва қандай зарар келтиришини билиш лозим. Ғалла майдонларида сариқ ва қўнғир занг, уншудринг, септориоз, фузариоз касалликлари пайдо бўлиб, ҳосилга сезиларли даражада хавф туғдиради. Бу касалликлар ичида сариқ занг касаллиги ўта хавфли ҳисобланади. У бошоқли экинлар экиладиган дунёнинг барча ерида учрайди ва катта зарар етказади. Аввало, касаллик ўсимликнинг пастки қисмидаги баргларида пайдо бўлиб, кейин юқоридаги баргларига ўтади. Касалликнинг характерли белгилари шундан иборатки, барг томирлари орасида лимон рангли равшан сариқ қатор-қатор жойлашган уредоопустулалар ҳосил бўлади. Сариқ занг касаллигига қарши курашилмаса, жиддий зарар етказиб, 20-30 фоизгача ҳосилни нобуд қилиши мумкин.

Ғалла майдонларида бегона ўт ва касалликлардан ташқари зараркунанда ҳашаротлар ҳам ҳосилга хавф солади. Булардан "Буғдой трипси" бошоқ қобиғи ичига кириб, ҳосил камайишига олиб келади. Ғалла экинларига "Зарарли хасва", "Пьявица" (шилимшиқ қурт), "Саратонлар" (цикада, визилдоқ қўнғизлар), "Ғалла поя бургаси", "Гассен пашшаси", "Ғалла (поя) аракаши" ва бошқа зарарли ҳашаротлар ҳам катта зарар етказади.

Ғалла ҳосилини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун мутахассис тавсияси асосида агротехник тадбирларни ўтказиш, зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашиш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу жараёнда деҳқон, фермер ва мутахассис ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Унутмаслик лозимки, бугунги тадоригу ҳаракатимиз эртанги олинажак ҳосилнинг баракасини белгилайди.

Зоҳир ҲАМРОЕВ,
Жиззах вилояти "Қишлоқҳўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг бош мутахассиси.

Самарқанд Вилояти

ШИФОКОР МАҲОРАТИ МЎЪЖИЗА ЯРАТДИ

Бу воқеа ўтган йилнинг ноябрь ойида содир бўлди. Самарқанд туманида яшовчи 21 ёшли Жамшид Мажидовнинг иш пайтида эҳтиётсизликка йўл қўйганлиги қимматга тушди. Фалокат юз берди. Яъни ёғочни қайта ишловчи станокнинг ўткир тиғи унинг чап қўлини билагидан кесиб, чирт узиб ташлади.

Жамшидни қавми-қариндошлари зудлик билан вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб келишди. Ушбу шифохонанинг микрохирургия ва қон томирлари жарроҳлик марказида фаолият кўрсатаётган малакали шифокорлар вазиятни ўргангач, беморни жарроҳлик столига ётқизишди.

Узоқ давом этган жарроҳлик жараёнига олий тоифали, тажрибали шифокор Шерали Норқўзиев етакчилик қилди. Шифокорларнинг маҳорати туфайли узилган қўл жойига уланди. Аммо ҳамма қийинчиликлар ҳали олдинда эди. Уланган қўлнинг ишлаб кетиш-кетмаслиги ҳатто шифокорларни ҳам ўйлантириб турарди.

Ана шунда мўъжиза рўй берди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, беморнинг жароҳат олган қўлининг барча бармоқлари ҳаракатлана бошлади. Бу мўъжизанинг гувоҳи бўлганларнинг кўзларидан қувонч ёшлари оқди.

Биз ҳикоя қилаётган қўли енгил шифокор Шерали Норқўзиевдан шифо топганлар талайгина. Туғма ногирон, қандайдир нуқсон билан туғилганларнинг ҳам кўпчилиги ана шу даргоҳда шифо топаётганлардан.

— Бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларидаги каби тиббиёт тизимида ҳам улкан ўзгаришлар ва янгиликлар рўй бермоқда, — дейди шифокор Шерали Норқўзиев. — Бунга сабаб, Юртбошимизнинг 2007 йил 17 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони туфайли тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётганлигидир.

Жумладан, ана шундай имкониятлар эвазига тиббиёт тизимида оламшумул ютуқларга эришиляпти. Албатта, бу ютуқлар омили биринчи навбатда, фан ва техниканинг кун сайин тараққий этиб бораётгани бўлса, иккинчиси, кадрлар малакаси ва илмий салоҳиятининг ортиб бораётганлигидир.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг тажрибали шифокорлари ҳам нафақат бемор дардига малҳам бўлишди, балки тиббиётда ўзига хос янги бир саҳифа очди. Бу эса эътироф этишга арзигулик ҳодисадир.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти

Чортоқ туманидаги "Ислом-Мурод-Тўлабой" фермер хўжалиги асосан деҳқончилик ҳамда чорвачиликка ихтисослашган. Ўтган йил жамоа аъзолари учун баракали келди: 35 гектар майдондан 180 тонна хирмон уюб, унинг 150 тоннаси давлатга сотилди. Шунингдек, 17 гектарда парваришланган пахтанинг ҳам ҳосили ёмон бўлмади. 55 тонналик хирмон бунёд этилди.

АҲИЛЛИК БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Интилиш

— Ютуқлар замирида ишловчиларнинг самарали меҳнати мужассам, — дейди фермер Ғанибой Каримов. — Жамоада 36 нафар аъзо бор. Улар ўзларига биркитилган вазифани сидқидилдан бажаришга одатланишган. Техникани бошқараётган Баҳодир Раҳимов ҳамда Одилжон Иброҳимов, Комилжон Мирзаев, Мухторжон Абдуллаев каби ишловчиларнинг сидқидилдан қилган меҳнатлари ҳисобига фермерликнинг афзалликлари янада ёркинроқ намоён бўлмоқда. Мана шунинг ҳисобига 2009 йили бошоқли дон экинларидан 40 миллион, пахтачиликдан эса 28,5 миллион сўм даромад олишга эришдик. 2010 йилда муваффақиятларни янада кўпайтиришга бел боғлаганмиз.

Айни кунларда чорвачилик фермасида ҳам қишлов кўнгилдагидек ўтмоқда. Бунинг учун етарли ем-хашак ва озуқа захираси жамғарилган. Фермадаги 140 бош қорамолнинг 40 боши зотдор сигирлар. Ўтган йилдан бошлаб эса қўй-эчки парваришлаш ҳам йўлга қўйилди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ
олган сурат.

УЗУНҚЎЛЛИКЛАР УЙ ТЎЙИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Уйларга иситиш тизими ўтказилаётир. Томлар черепица билан ёпилмоқда.

— Замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган бу уйлар қишлоғимиз кўркига-кўрк бағишлайди, — дейди Саманбой овул фуқаролар йиғини раиси Эркин Тўрабоев. — Барча қулайликларга эга бўлган бу иморатлар "Узунқўл"га ўзгача файз киритади. Нукус-Оқмангит магистрал йўли бўйида бунёд этилаётган бу янги қишлоқда ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти масалалари ҳам ўз ечимини топаётир.

— Замонавий уйлардан бирига эга бўлаётганимдан хурсандман, — дейди туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Марат Сариев. — Шаҳардагидек барча қулайликларга эга бўлган тўрт хонали уйга буортма берганман. Унда маҳаллий шароит, оила аъзоларининг эҳтиёжлари инобатга олинган. Юртбошимизнинг ғамхўрликлари туфайли қишлоқлар қиёфаси йил сайин кўркамлашиб бораётганидан беҳад мамнунмиз.

"Узунқўл"да бунёд этилаётган янги уйларда тез кунларда ҳовли тўйлари нишонланади.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Андижон Вилояти

Болалигимизда "чип-чип, жўжаларим, чип-чип, чип-чип, жўжаларим" ашуласини кўп марта эшитаверганимиздан жўжаларни кўрсак, беихтиёр шу қўшиқ ёдга тушаверади. Назаримизда паррандалар полапонлари ичида жўжа кўзга энг чиройлиси бўлиб кўринади. Онасини тополмай қолган жўжа орқангиздан чип-чиплаб югуриб юрганининг гувоҳи бўлгансиз. Очиб чиққанига бир-икки ҳафта бўлган жўжага тикилиб қарасангиз, роса роҳатланасиз. Жажжигина бу жонивор беш-олти ойдагина балоғатга етиб, тухум қўя бошлашига ишонгингиз келмайди. Паррандачилик "етти хазинанинг бири" деб таърифланганида унинг ярим йилга бориб-бормай тухум беришию, бир йилга етиб-етмай гўштга яраб қолиши назарда тутилган чоғи. Товуқ деган жонивор ўз маҳсулотини инъом этиш учун сизни кўп маҳтал қилмайди.

"СЕРФАЙЗ КЕЛАЖАК"НИНГ КЕЛАЖАГИ ОЙДИН

"Агробанк" кредити парҳез неъмат етиштиришни кўпайтиришга йўл очди

Тухумдан ҳам, товуқ гўштидан ҳам парҳез таомлар тайёрлаш имконияти бор. Товуқ боқилаётган оилада қут-барака, тўкинчилик бўлади, дейди кексалар.

Андижонликлар азал-азалдан паррандачиликка диққат-эътибор билан муносабатда бўлишган. Бу вилоятда саноатлашган паррандачилик ҳам ривожланиб, илғор тажрибалар бошқа минтақаларда қўл келган. Маълум йиллар оралиғида бу соҳага эътибор сусайган бўлди. Оқибатда, товуқ гўшти ва тухум камайиб, бозорларда бу маҳсулотларнинг нархи қимматлашиб кетганди. Ҳукуматимиз томонидан паррандачиликни ривожлантириш борасидаги кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Бозорларда чет элдан келтирилаётган товуқ гўштларига деярли эҳтиёж қолмади. Ҳар қадамда ўзимизда етиштирилган товуқ гўштидан таомлар тайёрлайдиган ошхоналар пештоқига маҳаллий корхоналарнинг номини ёзиб қўйиш урф бўлди. Демак, маҳаллий паррандабоқарлар етиштираётган маҳсулотларнинг чет эл никидан ҳар томонлама афзаллигига одамлар ишонч ҳосил қилишди. Ҳақиқатан ҳам, қуёшли ўлкамизда етиштирилаётган тухум ва товуқ гўшти таркибидаги инсон учун фойдали моддалар миқдори талабларга жавоб бериши билан ажралиб туради.

Кўрғонтепа туманидаги паррандачиликка ихтисослашган "Серфайз келажак" фермер хўжалигида ҳам шундай маҳсулотлар етиштирилаётгани қувончли.

— Фермер хўжалиги 2007 йили июнь ойида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида кредит сўраб "Агробанк"нинг туман бўлимига мурожаат қилди, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Ғанижон Ибрагимов. — Мижознинг бизнес режаси билан масъул ходимларимиз танишиб чиқишгач, фермер хўжалигига уч йил муддатга 50 миллион сўм кредит беришга қарор қилинди. Бу маблағ паррандачиликни ривожлантиришга тўлиқ йўналтирилгани самара берди. Ўтган давр ичида 60 миллион 858 минг сўмлик тухум ва парранда гўшти сотилди.

— Тухум сотишнинг ўзидан йилига 67,5 миллион сўмлик даромад олишни режалаштирганмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Нодирбек Раҳимов. — Жўжа очадиган инкубаториямиз имкониятларидан фойдаланяпмиз. Ихтиёримиздаги 8,9 гектар майдонда парранда озуқаси учун зарур экинлар етиштирилмоқда. Хўжаликда ишловчилар сони етти нафарга етди. Келгусида янги ишчи ўринлари яратиш режалаштирилган.

Банк сармояси ҳисобига "Серфайз келажак" фермер хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ортиб бормоқда. Йилдан-йилга товуқлар бош сони кўпаймоқда. Қишлаб айтар бўлсак, келажакнинг ойдин йўлига чиқиб олган фермер хўжалиги азаматлари эл дастурхонини тўкин-сочин қилиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Интилган имкон топар, деб шунга айтилади-да!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

ҚИЗИЛҚУМНИНГ СИРЛИ САНДИҒИ

Геология-қидирув экспедициялари янги конлар очиб, мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда

Серқуёш диёримиз нефть, газ, кўмир каби конларга бой. Ана шу ер ости бойликларини қидириб топиш ва уларни ишга туширишдек муҳим юмушлар геологлар, кон-қидирувчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Геология — ер ҳақидаги фан бўлиб, унинг шаклланиш тарихи қадим замонларга бориб тақалади. У тоғ жинсларининг пайдо бўлиш жараёнлари, тарихи, тузилиши, майдонлар таркиби, физик ва кимёвий хусусиятлари, умуман олганда, бутун табиий фанларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Қизилқум геология-қидирув экспедицияси Давлат корхонаси 1958 йилда ташкил этилган бўлиб, у марварид шаҳар — Зарафшондан қирқ чақирим узоқликда жойлашган. Корхонада 400 киши меҳнат қилади. Асосий вазифа этиб Шимолий Томди тоғларида, Шимолий Қынир, Балпантов конида, Истиқбол майдонида иш олиб бориш белгиланган: мақсад битта — ҳали очилмаган тоғ конларини излаб топиб, уни халқимиз манфаатларига хизмат қилдиришдан иборат.

Экспедицияга тажрибали мутахассис Шокир ака Искандаров бошчилик қилади. Унинг ташкилотчилик, одамларни ортидан эргаштира олиш сингари фазилатлари бор. Тошкент давлат техника университетининг тоғ-металлургия факультетини тугатганидан кейин дастлаб фаолиятини Зармитан геология-қидирув экспедициясида бошлади. Бу ерда соҳанинг барча паст-баландини эринмай ўрганди. Кейинчалик Зарафшондаги Мурунтов қўрғонида жойлашган Қизилқум геология-қидирув экспедициясида турли хил лавозимларда тер тўкди. Мана, бир неча йиллардан бери шу корхонанинг раҳбари.

Бу ердаги ўз соҳасининг билимдонлари М.Абдуллаев, Л.Чебатюк, И.Тўраев, М.Комилов, С.Мажидов сингари геологлар ҳақида илиқ гапларни эшитдик. Ҳозирги кунда улар Мурунтов конининг шарқий қисмида жойлашган Мютенбай, Триада, ғарбий Бессопан ва Ясвай майдонларида фаолият олиб боришмоқда.

Бурғулаш бригадалари ихтиёрига 10 та агрегат берилган. Виктор Корось, Нурқул Жўраев, М.Нарзиев сингари ишловчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

— Мурунтов қўрғонида беш минг нафар аҳоли умргузаронлик қилади. Шунинг 400 нафардан ортиғи геологлар, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Низом Шониязов. — Геологлар яхши ишлаб, ҳордиқ чиқаришлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Гўзалкентдаги сиҳатгоҳда ўз соғлиқларини тиклаб қайтишмоқда. Моддий манфаатдорлик бор жойда ишда унум ва барака бўлади. Корхона раҳбарияти билан тузилган жамоа шартномасида ана шу масала ва ишловчилар ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилган: иқтисод ва молиялаш бўлими бошлиғи Азам Муродовнинг таъкидлашича, 2009 йилда 15 минг погонометр ҳажмда ишлар бажарилган. Бундан ташқари, шартнома асосида 1200 погонометр бурғулаш ишлари ҳам олиб борилди.

Бу ерда кекса геолог, геология-минерология фанлари номзоди Алишер Мусаевни учратдик.

— Биласизми, Қизилқум бағридаги Мурунтов кони ҳали тўлиғича ўрганилмаган ҳудуд ҳисобланади. Бу жойларда маъданлар сероб. Келажакда бу ҳудудлардаги қазилма бойликлар юртимиз равнақига хизмат қилади.

Республикамизнинг ҳамма жойларида бўлгани сингари 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига кўра геологлар истиқомат қилаётган Мурунтов қўрғонида ҳам ободончилик ва қурилиш ишларига эътибор қаратилди. Жумладан, мини маркет, сартарошхона, 250 ўринли замонавий ошхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. ҚВП эса қайтадан таъмирланди. Эрта баҳорда қўрғон ҳудудини ободонлаштириш мақсадида 1,5 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Мактаблар эса замон талабларига мос равишда таъмирланиб, ўғил-қизларни ўз бағрига олди. Шунингдек, корхона қошидаги "Геомашсервис" МЧЖда ҳам бир қатор ибратли ишлар бажарилмоқда.

— Сўнгги йиллардаги ўзгаришлардан кўзинг қувнайди, қалбинг равшанлашади. Буни ўзим истиқомат қилаётган қўрғон мисолида кўриб турибман, — дейди Мурунтов қўрғони фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Юсупов. — Истиқлол йилларида бир-биридан бежирим, замонавий бино ва иншоотлар қурилди. Кенг ва равон йўллар бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, қўрғонимиз гуллаб-яшнади. Шуҳрат Маҳмудов бошчилик қилаётган Даугизтов геология-қидирув экспедицияси давлат корхонаси жамоаси бугунги кунда Етимтоғ, Кошаха, Калчиктоғ участкаларида иш олиб боришмоқда. Уларга етарлича шароитлар яратилган: душ, ошхона ишлаб турибди. Ишчилар ишдан кейин бемалол ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Улар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

— Корхонамиз 1978 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 330 нафар ишчи меҳнат қилади. Геологлар ҳудудларда қидирув ишларини олиб боришади, — дейди корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сергей Холмуродов. Ўтган йили хазинатопарлар Етимтоғ, Кошоха, Калчиктоғ участкаларида иш олиб боришди. Бош геолог Иномжон Султонов, Абдувоси Жалилов, Садриддин Тиловов, Шомурод Тўқсонов, Олма Қосимова сингари тажрибали ходимлар бошқаларга ҳар жабҳада ибрат бўлмоқда.

— Болаликдан кенг ва бепоён далаю даштлар, баланд тоғлар, туя ўркачини эслатувчи эгри-бугри қир-адирлар мафтуним, — дейди фахр билан бош муҳандис Акбар Раҳмонов. — Институтни тугатиб, хазинатопарлар сафига келиб қўшилганимдан кейин кўп йиллик орзум амалга ошди. Биласизми, ҳар бир геолог олдиндан аниқлаш хислатига эга бўлиши лозим, — дея қўшимча қилди у. — Бундан ташқари, ер қатлари сўнгсиз сирларни, конларни ўз бағрида асраб келяпти. Ўтган йилларда ёш мутахассислар учун янги уйлар қуриб берилди. Ҳозирда барча шароитлар яратилган ушбу хонадонларда кўплаб геологлар ўз оилалари билан тинч-тотув умргузаронлик қилишмоқда.

Ўнга яқин миллат ва элат вакилларидан ташкил топган Қизилқум ва Даугизтов геология-қидирув экспедицияларида ишчанлик муҳити барқарор эканлиги боис ютуқлар тобора салмоқли бўлмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

Қашқадарёда қоракўлчилик бўйича катта тажриба тўпланган. Нишон туманидаги "Нишон" қоракўлчилик-наслчилик қишлоқ хўжалиги кооперативи ширкат хўжалигида айни кунда 37 минг 451 бош кўй-қўзи парваришланаётир. Хўжалик чўпонлари қўй-қўзиларни яхши парваришлаш, қишловни ҳамда қўзилатиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ушбу йил қишлови учун мўлжалдаги 5 минг 800 тонна дағал хашак ўрнига саккиз минг тоннадан ортиқ захира яратилган. Мавжуд 56 та качар, 92 та қўтон тўлиқ таъмирланган. Барча чўпон-чўлиқлар қиш мавсуми учун махсус иссиқ кийимлар билан таъминланди. 14 та турли русумли техникалар шай ҳолатга келтирилди.

Суратда: *бош чўпон Сирожиддин Бойқулов ва ёрдамчи чўпон Баҳром Суюнов.*

Шомурод ШАРОПОВ
(ЎзА) олган сурат

Қорақалпоғистон Республикаси

БАНК САРМОЯСИ БУНЁДКОРЛИККА

"Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки Чимбой филиали томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

— Асосий эътибор маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилмоқда, — дейди филиал бошлиғининг ўринбосари Насирулла Тўрениязев.

"Отов" масъулияти чекланган жамиятига банк томонидан ажратилган кредит ҳисобидан ғишт заводи ишга туширилди. Унда 18 нафар киши иш билан таъминланди. Шунингдек, "Майм алебастр" МЧЖда қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган мини завод иш бошлади.

Қишлоқ аҳолисига транспорт хизматини яхшилашни мақсад қилган "Бахтли йўналиш" МЧЖга 360,3 миллион сўм кредит ажратилган. Ана шу сармоя ҳисобига 7 та "ISUZU" автобуслари олиб келинди.

Айни пайтда қишлоқларда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилишлар учун зарур бўладиган қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида сармоялар йўналтирилмоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ПАЙТ ПОЙЛАГАН ТАЛОНЧИЛАР

Бундан 14 кун муқаддам Гаитида рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш узоқ муддатга чўзилиши мумкин, дейишмоқда мутахассислар. Гаитининг пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрида қурбон бўлганлар сони 150 мингтадан ортиб кетгани расман маълум қилинди.

Бу ҳисобга бошқа шаҳарлардаги қурбонлар кирмайди. Мамлакат расмийлари ҳали ҳануз табиий офат қурбонларининг сонини аниқ билмасликларини тан олишмоқда. Қутқарувчилар вайроналар остидан ҳозиргача 130 нафар кишини чиқариб олишга муваффақ бўлишди. Қарийб 11, 12 кун вайроналар остида жон сақлаган кишилар оғир аҳволда бўлса-да қутқариб қолинди. 24 ёшли гаитилик бир йигит 12 кун давомида бетон, ғишт уюмлари остида жон сақлаган. Унинг бахтига зилзила рўй берганда у озиқ-овқат дўконига кирган экан. Дўкон томи остида қолиб кетган йигит печенье еб жон сақлаган эмиш. 11 кун давомида вайроналар остида ётган 84 ёшли кампирнинг қутқарилиши ҳам бахтли тасодиф, дейишмоқда қутқарувчилар. Лекин бундай ҳолатлар бармоқ билан санарли. Зилзила кучини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, бинолар остида қолиб кетиб ҳалок бўлганлар сони яна 100 минг атрофида бўлиши эҳтимол.

Ҳудудда энг катта муаммо озиқ-овқат ва тоза ичимлик суви етишмаётганидир. Устига-устак, вазиятдан фойдаланиб озиқ-овқат захираларини талон-тарож қилаётган жиноий гуруҳлар жуда кўпайиб кетган. БМТ ва дунёнинг ривожланган мамлакатларидан жуда катта миқдорда келтирилаётган озиқ-овқат ва зарурий ашёлар буткул вайроналик ва паролар кўкм сураётган Гаити аҳолиси учун урвоқ ҳам бўлмаяпти.

УРАН ЧИҚИНДИСИ АТРОФ-МУҲИТ КУШАНДАСИ

Германиянинг Гронау шаҳрида жойлашган Urenco — уранни бойитиш заводида 21 январь куни авария рўй бериб, радиоактив модда атмосферага чиқиб кетган.

Завод ишчиларидан бири кучли нурланганлик белгилари билан маҳаллий касалхонага ётқизилган. Носозлик рўй берган бинодаги ҳаво фильтрланган. Завод маъмурларининг юз берган кичкина носозлик туфайли атроф-муҳитга, одамларга хавф соладиган даражада зарар етгани йўқ дея таъкидлашларига қарамасдан Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш федерал бошқармаси бу воқеани катта шов-шувга айлантириб юборди. Бошқарма бу воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилишига эришди, устига-устак, ҳукуматдан заводнинг тезда ёпилишини талаб қилмоқда.

Urenco 1985 йилда ишга туширилган. Бу ерда бойитилган уран Германиядаги АЭСлар учун ёнилғи сифатида ишлатилади. Ўтган йилнинг октябрь ойида айнан шу завод фаолияти билан боғлиқ яна бир шов-шувли вазият юзага келганди. Ўшанда оммавий ахборот воситалари завод чиқиндилари йўқ қилиниш учун тўғридан-тўғри Россияга жўнатилишидан хабар топганди. Ураннинг бойитилиши жараёнида юзага келувчи чиқинди — гексафторид моддаси дунёдаги энг хавфли ва заарли кимёвий чиқинди ҳисобланади.

ЖУМБОҚЛИ ҚИЛМИШ

АҚШ шимоли-ғарбидаги Копейк шаҳрида яшовчи Дин Пирсон исмли 59 ёшли фермер ўзига тегишли 51 та соғин сигирни винтовка милтиғи билан отиб ташлаган.

Сигирларни гумдон қилгач, фермер молхонанинг ўзидаёқ жонига суиқасд қилган. Молхонага кираверишга "Бу ерга кириш ман этилади. Тезда полицияни чақиринг", деган ёзув ҳам осиб қўйилган экан. Фермер соғин сигирларни отган, лекин бузоқчаларга зиён етказмаган. Воқеани таҳлил қилган полиция ходимлари фермернинг бундай вахшийликка қўл уришига арзийдиган бирон сабабни тополмадилар. Қўни-қўшнилари ҳам Динни жуда оғир-босиқ, атрофдагиларга ҳушмуомала киши эди деб таърифлашмоқда. Маҳаллий фермерлар ўртасида ҳам у тажрибали мутахассис сифатида обрў орттирган экан. Хуллас, ҳозирча фермернинг бу қилмишига бирон изоҳ топилганича йўқ.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Фарғона Вилояти

«Ҳаёт»нинг ҳаётбахш воситалари

Шаҳар марказий бозори ёнидаги ветеринария дорихонаси доимо одамлар билан гавжум бўлади. Бу ерга кириб келган мижозларни илиқ кутиб олиб, уларнинг муаммоларини сўраб-суриштириб, зарур тавсиялар, керакли дори-дармонлар бериб кузатаётган дорихона ходимаси кишида чуқур билимли мутахассис экан, деган фикр уйғотади.

Комила Акбарова бунгача вилоят "Зооветснаб" идорасида таъминотчи, омбор мудири бўлиб ишлаган.

— Идорамизга шаҳар маҳаллаларидан одамлар тез-тез мурожаат этиб туришарди. Улар хонадонларидаги мол-қўй, паррандаларнинг "тоби қочиб" турганлигини айтишиб, ёрдам сўрашарди. Чунки у пайтларда шаҳарда ветеринария шифохоналари, дорихоналари йўқ эди. Шунинг учун уйида чорва моллари, парранда сақлаганлар кўмак сўраб бизга келишарди, — дейди у.

Ана шулар туртки бўлди-ю, Комила Акбаровада ветеринария дорихонаси очиш фикри туғилди. Қатъиятли аёл бу ишга астойдил киришди. Бундан 12 йил аввал мақсадини рўёбга чиқарди.

Харидорлар оқими, маҳсулотларга талаб-эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани уни кўп ўтмай яна бир ана шундай шохобча ишга туширилди. Ҳар икки маскандан мижозлар қатнови узилмайди. Якин-атрофдаги қишлоқлардан ҳам опа-сингилларимиз дорихонага келиб, керакли дори-дармонларни сўраб келиб туришади. Комила опа уларнинг истакларини эринмай ўрганиб, зарур препаратларни айтилган вақтда харидор қўлига тутқазади. Бугунга келиб дўконларда ойига уч миллион сўмликдан кўпроқ дори-дармонлар савдога чиқарилмоқда.

Олти йилдан ошди, бу ерда дов-дарахтлар, бута ва гуллар, томорқа экинлари зараркунандаларига қарши ишлатиладиган препаратларни сотиш ҳам йўлга қўйилди.

Ҳукуматимизнинг аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантиришга кўрсатаётган эътибори ва амалий ёрдами туфайли одамлар ихтиёридаги чорва моллари, паррандаларнинг бош сони тобора кўпаймоқда. Шаҳарга туташ туманлардаги фермер хўжаликлари ҳам кўпинча ўз эҳтиёжларини ана шу икки дорихона орқали таъминлайдилар. Тармоқда ишни яхши йўлга қўйишга доир Комила опанинг режалари талай:

— Даставвал туманлараро базалар ташкил этилса, аҳоли учун кўнгилдагидек қулайлик яратиларди. Агар шаҳримизда шундай таъминот корхонаси очилса, бу соҳадаги эҳтиёжни тез, осон қондириш имконияти туғилади, — дейди у.

Кейинги пайтларда савдо пештахталарини кўпроқ Россия, Украина, Ҳиндистон, Эрон сингари чет давлатларда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар эгалламоқда, уларга сўровлар ҳам кўпайиб боряпти. Шу боисдан опа яқин орада мазкур мамлакатлардаги доришунослар билан ҳамкорлик қилишни мақсад қилган. Бу борада мутасадди ташкилотларга мурожаат этиб кўрди, таклифини қўллаб-қувватловчи жавоб олиб, кўнгли анча кўтарилди. Ўғли Ҳаётбек бу йил Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг ветеринария факультетини тугаллаб келади. Бу ҳам унга анча далда бўляпти.

— Комила опа бошқараётган "Ҳаёт" фирмаси энг ишончли таянчимиз бўлиб қолган, — дейди Фарғона шаҳар ветеринария шифохонасининг бош врачи Муҳаммаджон Тошболтаев. — Опанинг издошлари кўпайиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ихтисослашган дўконлар сони 5 тага етди. Ҳар бири 15-20 тагача маҳаллага хизмат кўрсатадиган 4 та ветеринария участка пункти ва шунча суньий қочириш масканлари ишлаб турибди. Ҳозир хонадонларда салкам 19 минг бош қорамол, шундан 3700 бошдан кўпроқ сигир, 8 мингтадан ортиқ қўй-эчки бор. Ветеринария шифохоналари ва дорихоналар жамоалари ўзаро яқин ҳамкорликда ишлаб кедаётганлиги туфайли чорва ҳайвонларининг касалланиши ва мажбурий сўйиш ҳоллари камаймоқда.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ

Андижон қишлоқ хўжалик институти ректорати 2009-2010 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари бўйича битирувчиларни интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида, бозор механизмини давлат манфаатларига риоя этишни оқилона олиб боришни ҳисобга олиб, ташкилотлар билан келишилган ҳолда ёш мутахассисларни ишга бориш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади. Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга эҳтиёж бўлса институт Маркетинг хизмати бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз. Қуйидаги жадвалларда вилоятлар ва Андижон вилояти туманлари миқёсида институтни тугатаётган юқори малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Жами	Шу жумладан		Шу жумладан, вилоятлар бўйича								Шу жумладан, Андижон вилояти туманлари бўйича																									
					Андижон		Наманган		Фарғона		Сурхондарё		Андижон шаҳри		Андижон тумани		Асака		Балиқчи		Бўз		Булоқбоши		Жалақудуқ		Избоскан		Қўрғонтепа		Марҳамат		Олтинкўл		Пахтаобод		Хўжаобод		Шаҳрихон		Улуғнор	
			грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43
1.	Касбий таълим (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)	22	9	13	9	13							1	1	2	2			1				1		1		1	5	1	1					2	1		1		1
2.	Иқтисодиёт ва бошқарув	83	15	68	12	64		3	3	1			1	5	2	19		4		1		1				4	4	16	1	3		1	2	1	2	2		2		4		1
3.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.	54	15	39	14	37	1	1		1			1	4	2	7			1	1						1	5	9	2	7			2	4		3			1	1		
4.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	111	45	66	44	66			1				5	14	13	15	1	3	2	2		2		5	2	2	10	12	2	7			4	3	2			1	1	1		1
5.	Сув хўжалиги ва мелиорация	28	7	21	4	15			3	6			1	2	2	3												1		5				1	1		1		2			
6.	Фермер хўжалигини бошқариш	23	18	5	17	5	1						3		10	1			1				2	1	1					1		1		1							
7.	Агрономия	30	17	13	12	10	1	2	4	1				3		1		1					1		1	1	5	2	1				4	1		1					
8.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин	26	18	8	17	5		1	1	1		1	1		3	2			1	1						1	1	5		2			3			1		1			
9.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	12	7	5	7	5							1		1				1							1	2			2			3						1		
10.	Экология	9	6	3	6	3							1			1	1			1						1	3						1								
	Жами	398	157	241	142	223	3	7	12	10	-	1	15	29	35	51	2	8	7	6	0	3	4	6	7	10	35	45	9	26	-	2	16	14	5	9	2	4	3	8	2	2

Манзил: 711520, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси
тел: (8374) 222-17-84; (8374) 373-11-65 Факс: (8374) 373-13-63

Қашқадарё вилояти

«Юлдузча»нинг митти юлдузлари

Қарши шаҳридаги вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли "Юлдузча" болалар боғчаси жамоасида Баркамол авлод йилида замон талабига жавоб берадиган янги усул қўлланилмоқда. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, тарбиячи ҳамда бола ўртасидаги ўзаро узвийликни мустаҳкамлаш орқали мурғак қалблар онгига Ватан ва миллат туйғуси тобора чуқур сингдирилмоқда.

Тарбия муассасасига қадам қўйган киши ораста-лик, саранжом-саришталикни кўриб, дили яйрайди. Боғча мудираси Раҳима опа Иномова бу ерда олиб борилаётган ишлар, "Таълим тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш борасида олдинда турган вазифалар ҳақида фахр билан гап бошлади:

— Ислоҳотлар туфайли мактабгача тарбия муассасалари фаолиятида ҳам тубдан ўзгаришлар қилиняпти. 2004 йилдан боғчамизда болалар онгини ривожлантирувчи гуруҳлар очилиб, таълим янгича тамойилда йўлга қўйилди. Айни пайтда боғчамизда 190 нафарга яқин ўғил-қиз ўнта гуруҳга бирлашган.

Мудира ҳамроҳлигида дастлаб "Капалак" ижодкорлик гуруҳида бўлдик. Тарбиячи Светлана Мазитова болалар билан машғулот олиб бораётган экан. Беш ёшли Кристина Павловаининг нозик бармоқлари худди катталарникидек дадил ҳаракат қилади. Боқишлари зийрак қизалоқнинг ўз ишидан мамнунлиги кўриниб турибди. Зарина Шербоева, Севинч Турсуновалар ҳам тенгдоши

бажараётган юмушни зийраклик билан кузатишмоқда.

Услубхонада руҳшунос Дилрабо Иномова тарбиячилар билан олиб бориладиган ишлар ҳақида алоҳида тўхталди. Учта компьютер ёрдамида олиб бориладиган машғулотлар боланинг нутқини ривожлантиришга, хизмат қилади.

— Ҳар шанба куни кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида тарбиячилар ўз устида қандай ишлаётганликларини синовдан ўтказамиз, — дейди у. — Тарбиячи ва бола ўртасидаги фаолликни янада ошириш чоралари кўрилмоқда. Болаларнинг геометрик шакллар, ранглар ҳақидаги тафаккури, компьютер орқали билим доираси кенгайтириб борилади. Натижада, мактабда таълим олишга тайёр бўлади.

Ушбу даргоҳда турли тўгараклар очилганлиги ўзининг ижобий самарасини берди. Моддий-техник негиз тубдан янгиланди. Гуруҳлар янги мебеллар, кўргазмали қуроллар билан таъминланди.

Ибодат Эломонова, Санобар Ҳусанова, Нигора Бозорова, Лариса Довлекамова, Гулчеҳра Одилова, Шоҳиста Бобоева каби тарбиячилар вилоятдаги ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Болалар боғчасида ўзбек тили билан бирга рус, инглиз тилларини ўрганиш тўгараклари ҳам мавжуд. Миллий-амалий санъат тўгараги раҳбари Гулнора Шукурова ёшлар онгига миллий ғурурни сингдираётган бўлса, Лочин Санаев эса тэквондодан болаларга сабоқ бераётир. Рақс, театр тўгараклари-га Гуллола Боймуродова, Каромат Дилмоновлар раҳбарлик қилмоқда.

— Жамоамиз бир неча бор вилоят, республика кўрик-танловларида ғолиб бўлган, — дея қўшимча қилди Р.Иномова. — 2009 йил якунига кўра "Юлдузча академияси магистри" сертификатини таъсис этдик. Унинг совриндорлари ўнга яқин ходимларимиз бўлишди. Булар орасида ўттиз йил иш фаолиятига эга "Озодалик бекалари" Нигора Бозорова, Сайёра Кенжаева, Сайёра Полвонова кабилар бор. Баркамол авлод йили зиммамиздаги масъулиятни янада оширмоқда. Ана шундан келиб чиққан ҳолда бу йил болалар боғчасида кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқчимиз.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МДҲ КУБОГИ ҒОЛИБЛАРИ САФИДА

ФУТБОЛ

Ҳамдўстлик Кубоги финалида Қозоғистоннинг "Актобе" клуби устидан 5:2 ҳисобида ишончли ғалабага эришган Қозоннинг "Рубин" клуби ўз тарихида биринчи бор ушбу мусобақа ғолибига айланди.

"Рубин" клуби таркибида ҳаракат қилган ўзбекистонлик футболчи Даврон Мирзаев мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

"Рубин" клуби таркибида тўп сурган 20 ёшли ҳужумчи Игорь Портягин дублни расмийлаштирган бўлса, ҳимоячи Максим Жестоков, ярим ҳимоячи Алексей Котляров ва ҳужумчи Александр Яркинлар бир мартадан "Актобе" дарвозасини аниқ нишонга олишди.

Мусобақа ғолиблари таркибида ўзбекистонлик футболчилар ҳам бўлгани ва "Рубин"нинг ғалабаларига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлаш лозим.

Хусусан "Актобе"га қарши кечган финал учрашувида Вадим Афонин майдонда 88-дақиқага қадар ҳаракат қилди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг собиқ аъзоси, ҳужумчи Даврон Мирзаев эса 78-дақиқада "Рубин"нинг учинчи голига муаллифлик қилган Яркин ўрнига майдонга тушди.

"Рубин" ҳамдўстлик Кубогини боши узра баланд кўтарган.

Қозоғистоннинг "Актобе" клуби кетма-кет иккинчи йил ҳал қилувчи финал учрашувигача етиб келди. Ўтган йили қозоқ клуби финалда Молдованинг "Шериф" клубига пенальтилар сериясида имкониятни бой берганди.

"Актобе"нинг қирғизистонлик ҳужумчиси Эмиль Кенжисериев эса 2010 йилги мусобақанинг энг яхши тўпурарига айланди. У турнир давомида олтита гол уришга муваффақ бўлди.

Эслатиб ўтамиз, бу йилги ҳамдўстлик Кубогида Ўзбекистон шарафини Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби ҳимоя қилди. Ўзбекистон чемпиони мусобақа чорак финалида ўйинда тўлиқ устунликка эга бўлгани ҳолда пенальтилар сериясида Туркманистоннинг МТТУ жамоасига имкониятни бой берди.

AUSTRALIAN OPEN: ДАВИДЕНКО ВА ЖОКОВИЧ — ЧОРАК ФИНАЛДА

ТЕННИС

"Катта дубулға" туркумига кирувчи Australian Open теннис турнирининг 1/8 финал учрашувлари ўтказилди.

Россиялик теннисчи Николай Давиденко испаниялик теннисчи Фернандо Вердаскони 6:2, 7:5, 4:6, 6:7 (5:7), 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Рожер Федерер ва Ллейтон Хьюитт ўртасидаги учрашув ғолиби чорак финалда Давиденкога рақиб бўлади.

Ҳамюртимиз Денис Истоминдан устун келган сербиялик теннисчи Новак Жокович эса навбатдаги рақиби — Лукаш Кубота (Польша)ни ҳам осонлик билан мағлубиятга учратди. Чорак финалда унга Жо-Вильфрид Тсонга (Франция) — Николас Альмагро (Испания) жуфтлиги ғолиби рўбарў келади.

Шунингдек, якшанба куни ўтказилган баҳсларда чорак финалчиларнинг икки жуфтлиги аниқланган эди. Булар Рафаэль Надаль (Испания) — Энди Мюрей (Буюк Британия) ва Энди Роддик (АҚШ) — Марин Чилич (Хорватия) жуфтликларидир.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Ён дафтардан

Ҳикмат излаганга...

МУСАФФО ҚАЛБ

Болаларнинг қалби булоқ сувига ўхшайди: агар жилғадаги булоқ сувини йўл-йўлакай кимлардир билиб-билмай лойқалатмаса, у охирги манзилгача, бошида қандай мусаффо бўлса, шундайлигича оқиб боради.

БЕҒУБОРЛИК

Ҳаётда энг қойил қолган нарсам — бу ёш боланинг беғуборлиги. Озгина эркаласа бўлди, яхшими, ёмонми, чиройлими, хунукроқми, амалдорми, амалсизми, фарқи йўқ — ўша одамга талпинади.

МУҲАББАТ ЖУМБОҒИ

Муҳаббат сеҳрини, унинг жумбоғини англаб етиш ҳамиша мушкул. Чунончи, дононинг муҳаббат қаршисида кўпинча телбаларча иш тутиши ва аксинча, нодоннинг доноларча фикрлашга, сўзлашга интилишини ўйлаганингизда, бу жумбоққа лол қоласиз.

ДУНЁГА ҚАРАШ

Ҳар бир одамнинг ўзига хос дунёқарашга эга бўлиши ғоят муҳим. Унинг қайси дунёга қандай кўз билан қараши янада муҳимроқ.

БАХТЛИ ЭРКАК

Менинг онангиз, оқила рафиқангиз, қадрдон опа-сингилларингиз, севимли қизларингиз ёнингизда бўлса, билингки, энг бахтли эркаксиз. Чунки даҳолар ҳам, оддий кишилар ҳам бирдек қўмсайдиган сеҳрли жозиба — аёл меҳрига доимо эгасиз.

ИБРАТ МАКТАБИ

Отанинг ўғилга, онанинг қизга ибратидан ибратлироқ мактабни кўрмадим.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
техника фанлари доктори, профессор.

"КУРОРТ"

"Қорақалпоқфильм" киностудияси томонидан суратга олинган "Танка", "Ўғри" фильмлари кўплаб мухлисларга яхши маълум. Айниқса, киносценарист ва ёзувчи Муратбой Низанов ижодига мансуб "Танка" фильми "Ёшлар" телеканали орқали бир неча бор намойиш этилди.

Ушбу муаллиф сценарийси асосида суратга олинган янги "Курорт" бадиий фильми томошабинларнинг эътиборига ҳавола этилди. Фильмнинг постановкачи режиссёри Бектилеў Низаматдинов, оператори Асенбой Асқаров. Ҳажвий жанрдаги фильм лавҳалари Тошкент шаҳрида ва Қорақалпоғистон Республикасида суратга олинган.

Янги фильм

Қишлоқда яшовчи Қувватнинг жиянлари Ўтемис ва Мирзабой тоғасига Тошкент шаҳридаги "Чинобод" сиҳатгоҳига йўлланма совға қилиши билан фильм воқеалари бошланади. Аввалларидан қишлоқдан ташқарига чиқмаган, шаҳарга ўрганмаган бош қаҳрамон Қувват сиҳатгоҳда қизиқарли воқеаларни бошидан ўтказади.

Аммо жиянларининг қорақалпоқ халқига хос ҳазиллари яхши дам олишига қўймай, икки йўлнинг ораси қилиб ташлайди. Яъни жиянларининг ҳазил гапига ишониб, икки марта сиҳатгоҳдан қишлоққа бориб келишга мажбур бўлади.

Фильмда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Мирзагул Сапаева, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, "Ниҳол" мукофотининг совриндори Мақсет Утемуратов, ёш хонанда Азима Усенова каби ижодкорлар суратга тушган.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

AVTODOM PLUS
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) **140-41-21, 140-41-22.**
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) **256-03-62, 256-13-01.**

ООО "UZVALVE" (код по ОКПО 22827390, ИНН 301264003) с ИК Кибрайского р-на Ташкентской обл. преобразуется в иностранное предприятие ООО "UZVALVE". Правопреемником ООО "UZVALVE" по всем правам и обязательствам является ИП ООО "UZVALVE".
ЧП "CORNER" (ИНН 300896064), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г.Ташкента, ликвидируется (решение учредителей № 5 от 25.01.2010 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: ул.М.Улугбек д. 49 кв-ра 1. Тел:. 267-78-99.
ЧНПП "GULOBOD INFO" (ИНН 204187684), зарегистрированное хокимиятом Шайхантахурского р-на г.Ташкента, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.
Утерянный кадастр на магазин № 5 в блоке № 5/4 на территории "AVTO MAKON" по адресу г. Ташкент ул.Новосергелийская 3 6-2/2007 бино, 1783665530 ер на имя Муратова Улугбека Зарифовича, считать недействительным.
ООО "BK HALOL-SAVDO" (ИНН 300734842), зарегистрированное Юнусабадском р-не г.Ташкента от 26.02.2008 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 447-26-49.
"BARAT VA FARID KO LTD" хусусий корхонаси Устав фонди таъсисчининг 2010 йил 25 январдаги 2-сонли қарорига асосан 17 200 АҚШ долларидан 10 000 АҚШ долларига камайтирилганлигини эълон қилади.
Согласно протоколу собрания учредителей ООО "SVEET DE PARIS" от 25.01.2010 г. уставной фонд ООО "SVEET DE PARIS" уменьшается с 714 296 000 сум до 189 662 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 334-93-39.

Тошкент ш. Ер ресурслари ва кўчмас мулк кадастри томонидан Тошкент ш. Миробод т. Шаҳрисабз кўчаси 5-уйда жойлашган стоматология, офис ва компьютер хизматлари кўрсатиш учун 2005 й. берилган 22625; 73119 сонли ер кадастри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ДУК томонидан 12.10.2006 йили С.Раҳимов т. Қорақамиш 3/4-даҳасида жойлашган "RAVNAQ-OMAD-BIZNES" хусусий корхонаси омборхонаси учун берилган бино 71/2006 сонли ва ер учун № 2028879619 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
"HAYOT I.R.J.O." хусусий фирмаси ташкилий-ҳуқуқий шакли "HAYOT I.R.J.O." хусусий корхонага айлантирилаётганлиги сабабли "HAYOT I.R.J.O." хусусий корхонаси "HAYOT I.R.J.O." хусусий фирмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Тел.: 775-17-32.
Утерянный план и договор купли-продажи на квартиру по адресу: г.Ташкент Сергелийский р-н Куйлюк-6 д.9 кв.-ра 19, выданный на имя Абдуллаева Отабека Авазовича, считать недействительным.
Утерянный диплом К № 856977 (рег. № 543), выданный 29.06.2007 г. 2-м Республиканским медицинским колледжем имени Ахунбабаева на имя Давулова Жасуржона Эшназаровича, считать недействительным.
ООО "PALYOD-SERVIS" (код по ОКПО 22613476, ИНН 300996518), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: мас.Чиланзар кв-л 8 д.1 кв-ра 1, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 22 января 2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 771-49-99.
ЧП "UBAYDULLO FARIDUN BIRLASHUVI" (код по ОКПО 23022406, ИНН 301384463), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент м.Шарқ 21-144, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 31 декабря 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 272-95-47.
ООО "AVTO KROSS PLUS" (код по ОКПО 22018727, ИНН 300507585) Сергелийского р-на г.Ташкента, ликвидируется. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент Южная Промзона, Сергели, ул.Заводская 2.
Утерянный аттестат о десятиклассном образовании, выданный 1985 г. ср.шк. № 217 Чиланзарского р-на г.Ташкента на имя Халикова Тахира Тургуновича, считать недействительным.
Утерянная круглая печать, выданный разрешительным отделом Чиланзарского РОВД г.Ташкента на имя частного предпринимателя Ахметжанова Бахтияра Закировича (ИНН 448236150), считать недействительным.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳитай АДИЛОВ, Софир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04. Котибият — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар —
236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун бюуртмачи жавобгар
т-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҲАҚБЕРДИЕВ
Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: М.ШУКУРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-18, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.45
17746 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5